



THE PLACE OF UZBEKISTAN MEDIA IN THE MEDIA SPACE: POSITIVE AND NEGATIVE ASPECTS

Khamid Mannopov

*Candidate of Philosophy, Professor acting
Islam Karimov Tashkent State Technical University
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: x.mannopov@mail.ru*

Khayriddin Berdiev

*Associate Professor (PhD)
Islam Karimov Tashkent State Technical University
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: 20berdiev20@gmail.com*

ABOUT ARTICLE

Key words: information and communication system, Internet, ChatGPT, world scientists about the media, "democratic fundamentalism", dangers and risks, human consciousness.

Received: 03.05.25

Accepted: 05.05.25

Published: 07.05.25

Abstract: The article reveals some aspects of the active participation of the media in the process of public relations of different directions and content. In addition, the media play the role of an intermediary between the government and society, forming an attitude to current issues and problems. The media connect the people around us with the social world and involve them in global processes.

Indeed, the Internet and news in various fields, television, radio, press and other media are currently an important factor in the socialization of the individual. Artificial intelligence and neural networks are among the most important and active tools in the modern world. The article discusses issues related to the fact that the media can literally change our lives in all respects, but most of the risks associated with them must be eliminated in a timely manner and through appropriate supervision and ethical standards.

ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ МЕДИМАКОНДАГИ ЎРНИ: ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ЖИҲАТЛАР

Хамид Маннопов

фалсафа фанлари номзоди, профессор в/б.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: x.mannopov@mail.ru

Хайриддин Бердиев

доцент (PhD)

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: 20berdiev20@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: дунё, ахборот коммуникация тизими, Интернет, ChatGPT, дунё олимлари ОАВ ҳақида, "демократик фундаментализм", хавф ва хатарлар, инсон онги.

Аннотация: Мақолада турли йўналиш ва мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирокининг айрим жиҳатлари очиб берилган. Бундан ташқари Оммавий ахборот воситалари ҳокимият ва жамият ўртасида воситачи ролини ўйнайди, долзарб муаммо ва муаммоларга муносабатни шакллантиради. ОАВ атрофимиздаги одамларни ижтимоий дунё билан боғлайди ва уларни глобал жараёнларга жалб қилади.

Дарҳақиқат, интернет тармоқлари ва турли соҳалардаги янгиликлар, телевидение, радио, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари ҳозирда шахсни ижтимоийлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Сунъий интеллект ва нейрон тармоқлар замонавий дунёдаги энг муҳим ва фаол воситалардан биридир. Мақола ОАВнинг ҳаётимизни том маънода ҳар томонлама ўзгартириши мумкин, аммо улар билан боғлиқ хавфнинг катта қисми ўз вақтида ва тегишли назорат ва ахлоқий меъёрлар орқали ҳал қилиниши керак бўлган масалаларга бағишланган.

МЕСТО СМИ УЗБЕКИСТАНА В МЕДИАЦИОНСКОМ ПРОСТРАНСТВЕ: ПОЛОЖИТЕЛЬНЫЕ И ОТРИЦАТЕЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ

Хамид Маннопов

Кандидат философских наук, профессор, и.о.

Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Ташкент, Узбекистан

E-mail: x.mannopov@mail.ru

Хайриддин Бердиев

Доцент (PhD)

Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Ташкент, Узбекистан

E-mail: 20berdiev20@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: мир, информационно-коммуникационная система, Интернет, ChatGPT, мировые ученые о СМИ, «демократический фундаментализм», опасности и риски, человеческое сознание.

Аннотация: В статье раскрываются некоторые аспекты активного участия средств массовой информации в процессе общественных отношений разной направленности и содержания. Кроме того, СМИ играют роль посредника между властью и обществом, формируя отношение к текущим вопросам и проблемам. Средства массовой информации связывают окружающих нас людей с социальным миром и вовлекают их в глобальные процессы.

Действительно, Интернет и новости в различных областях, телевидение, радио, пресса и другие средства массовой информации в настоящее время являются важным фактором социализации личности. Искусственный интеллект и нейронные сети являются одними из самых важных и активных инструментов в современном мире. В статье рассматриваются вопросы, связанные с тем, что средства массовой информации могут буквально изменить нашу жизнь во всех отношениях, однако большинство рисков, связанных с ними, необходимо устранять своевременно и посредством соответствующего надзора и этических стандартов.

INTRODUCTION/ ВВЕДЕНИЕ/КИРИШ

Ҳозирги глобаллашув даврида ахборот жамияти шаклланиб, оммавий ахборот воситаларининг (ОАВ) аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Айниқса, интернет технологияларининг ривожланиши ва рақамлашув жараёнлари натижасида анъанавий ва янги турдаги медиа воситалар жамият ҳаётида ҳал қилувчи ўрин эгалламоқда. Ўзбекистон ҳам медиа маконида кечаётган ислохотлар, ахборот сиёсатидаги янгиланишлар ва сўз эркинлиги соҳасидаги синовларда ҳар томонлама ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Мазкур илмий мақолада Ўзбекистонда ОАВнинг жамиятда тутган ўрни, унинг ижтимоий ва сиёсий жараёнларга таъсири, сўнгги йилларда эришилган ютуқлар ҳамда ҳали ҳам сақланиб қолаётган муаммолар атрофлича таҳлил этилади. Шу билан бирга,

медиа маконда сунъий интеллект технологияларининг жорий этилиши, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳам назарий ва амалий жиҳатдан ёритилади.

Тадқиқотда асосий манба сифатида Ўзбекистон медиа соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, етук соҳа мутахассисларинг ОАВга оид назарий қарашлари ҳамда халқаро ташкилотлар тавсиялари асос қилиб олинди. Илмий мақсад – Ўзбекистон ОАВ тизимининг бугунги ҳолатига баҳо бериш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва ечим йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Оммавий ахборот воситалари ҳар қандай демократик жамиятнинг асосий институти сифатида қаралади. У жамият ва давлат ўртасида ахборот алмашинуви, жамоатчилик фикрини шакллантириш, назорат ва таҳлил функцияларини бажаради. Медиа воситалар фақатгина ахборот етказувчи эмас, балки ижтимоий фикрни юзага келтирувчи ва уни йўналтирувчи куч сифатида ҳам фаолият юритади.

METHODS/ МЕТОДЫ / ТАДҚИҚОТНИНГ УСУЛЛАРИ

Бутун дунёдаги мутахассислар фикрича, ОАВни "тўртинчи ҳокимият" сифатида эътироф этилмоқда. Чунки жамиятдаги глобаллашув жараёнлари фаоллашуви, кўплаб одамларни ўзига жозибаси билан жалб қилувчи медиа воситалари ҳаётимизда ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий нормаларнинг сақланишига таъсир кўрсатади. ОАВ фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқини таъминлаш билан бирга, уларда танқидий тафаккур, фаол фуқаролик позицияси шаклланишига ҳам ҳисса қўшади.

Бугунги журналистика - ҳам босма, ҳам радио, ҳам телевидение - бу, қоида тариқасида, икки шаклда мавжудлиги билан ажралиб туради: анъанавий, яъни босма, радио орқали ешиттириш ёки телевизор экранда кўриш ва унинг компютернинг қаттиқ дискида сақланадиган ва Интернетда тарқатиладиган рақамли Интернет версияси. Бу ерда интернет маконининг янги имкониятларидан фойдаланиш жуда муҳим. Виртуал дарсликлар интилувчан журналистлар, газета ва журнал нашриётлари, телерадиокомпаниялар раҳбарларига катта ёрдам ва ёрдам бериши мумкин. Шу боис, онлайн журналистика ва онлайн дарсликларнинг ривожланиши катта келажакка ега ва ҳозирданоқ журналистика таълимини такомиллаштиришда муҳим рол ўйнамоқда, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Бугун дунё давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга интилиб, олдимизда ҳали кўп ишлар, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам қилишимиз кераклигини

тушунамиз. Оммавий ахборот воситалари сўзда емас, амалда “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши керак. Бу давр талаби, ислохотларимиз заруриятидир” [1].

Шу нуқтаи назардан қаралганда, медиа воситалари нафақат ахборот тарқатиш воситаси, балки тарбиявий ва ташкилотчи механизм сифатида ҳам жамиятда катта рол ўйнайди. Айнан шу хусусияти туфайли, медиа маконида рўй бераётган ҳар қандай ўзгаришлар – рақамлашув, глобал медиа таъсири, сунъий интеллект технологияларининг жорий қилиниши ва бошқалар – жамиятнинг сиёсий, маънавий ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилишини ёдимизда сақлаш лозим.

RESULTS/ РЕЗУЛЬТАТЫ/ НАТИЖАЛАР

Ўзбекистондаги медиа маконининг тараққиёти мамлакатда сўз эркинлиги, ахборотга эришиш ва фуқаролик жамияти ривожига билан чамбарчас боғлиқдир. Ахборот тарқатишда шаффофлик, тезкорлик ва холисликни таъминлай олувчи ОАВ тизими фуқароларнинг давлатга нисбатан ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли, ОАВнинг аҳамияти нафақат ахборот соҳасида, балки ижтимоий барқарорлик ва халқнинг сиёсий онгини шакллантиришда ҳам катта ўрин тутди.

Интернет-журналистика бир мақолада ёритилмайдиган катта ва муҳим мавзудир [2; 199]. Шунинг учун биз унинг фақат ижобий ва салбий томонларини қайд этамиз. Интернетнинг афзалликлари: арзонлиги, тезлиги, техник жиҳатдан осон жойлаштириладиган материаллар, катта ҳажмдаги маълумотларни юклаб олиш, уларни турли тилларга осонгина таржима қилиш, маълумотлар чегара ва масофани билмайди ва ҳоказо. Салбий оқибатлар: ҳар қандай маълумотга эга бўлган ҳар қандай шахснинг виртуал маконга тўсиқсиз кириши, назоратнинг йўқлиги ва натижада террористик ва порнографик ғояларнинг кўплиги, кенг кўламли оммавий ахборот воситаларининг тарқалиши. “Умумжаҳон маданияти”, давлат ролининг пасайиши, тармоқ ёрдамида демократик фундаментализмнинг ривожланиши ва бошқалар.

Шу кунга қадар дунёда ОАВ назарияси ва амалиёти бўйича бир қатор таниқли олимлар мутаххасислар иш олиб бормоқдалар. Масалан, канадалик таниқли медиа назариячи **Маршалл Маклюэн** (Marshall McLuhan) “Медиум – бу хабар” (The medium is the message) деган фикри медиа шаклининг ўзи хабарнинг мазмунига таъсир кўрсататиши чегара ва ҳад-ҳудуд маконига ақлий интеллект соҳасига чуқур кириб бориши манфаат юзасидан бир-бирига қарама-қарши турган майдондаги иштирокчиларни медиа воситалари инсониятни янада яқинлаштириши мумкинлигини мисоллар орқали таҳлил қилган [3; (2003.– № 4) – С.54]. Бошқа бир немис файласуфи ва ижтимоий назария билимдони **Юрген Хабермас** (Jürgen Habermas) назариясига кўра, ОАВ жамоатчилик

майдони (public sphere) тушунчаси орқали жамиятда демократик мулоқотни таъминлаш мумкин[4; (2002) – С.27].

ОАВ воситаларининг жамиятда иқтисодий манфаатларига, хусусан, медиа воситаларининг ҳукумат ва бизнес томонидан назорат қилиниши ҳақидаги “Ижозат этилган фикрлар доираси” (Manufacturing Consent) назариясини америкалик тилшунос ва сиёсий таҳлилчи **Ноам Хомски** (Noam Chomsky) ишлаб чиққан[5; 2012. – 254].

Бошқа Ғарбий Европалик таниқли олимлардан Буюк Британиялик **Жон Томпсон** (John B. Thompson) ахборот жамияти ва рақамли медиа структураларининг жамиятга таъсири бўйича ўз фикларини баён этган бўлса[6; . Leuven, (2001)], испаниялик **Мануэл Кастельс** (Manuel Castells) интернет ва глобал тармоқлар жамиятни тез фурсатларда ўз гирдобига тортиб кетаётганлиги илмий асосларда жамоатчиликка ошкор қилган[7; 2019. – 240 p].

Юқорида таъкидлаб ўтилган умумий ёндашувлар асосида илмий ёндашув асосида фикр юритадиган бўлсак, ОАВ фақат ахборот тарқатиш воситасигина эмас, балки энг фаол ҳаракатлантирувчи куч эканлигини тан олишимизга тўғри келади. Жамият фуқароларининг фикрларидаги ўзгаришларнинг шаклланиши, янгидан-янги ғоялар остида жипслашишни, сиёсий жараёнларга қўшилиб бораётганлигини кузатиш мумкин, Ушбу жараёнларда Ўзбекистондаги мавжуд медиамакон мақсад ва вазифаларини илмий асосда теран тушинишга ёрдамлашади.

DISCUSSION/ ОБСУЖДЕНИЕ/МУҲОКАМА

Муҳокама жараёнларига ўтадиган бўлсак, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ОАВ соҳасида амалга оширилган ислохотлар медиа маконидаги янгиланишлар юз берди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида сўз эркинлиги, ахборотга очиқлик ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бу борадаги ютуқлар бир қатор институционал, ҳуқуқий ва технологик ўзгаришлар орқали намоён бўлди.

2018 йилда “Ахборот соҳасини ривожлантириш” тўғрисидаги қарорга кўра, ОАВ фаолиятини тартибга солиш учун янги механизмлар жорий қилинди. 2019 йилда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонун янгиланди ва интернет-ОАВ расман тан олинди. Ахборот агентлиги фаолияти кенгайтирилиб, медиага стратегик ёндашув, миллий ОАВларни қўллаб-қувватлаш ва кадрлар билан таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

2021 йилдан бошлаб давлат ахборотларининг шаффофлиги оширилди. my.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, id.egov.uz –

Рақамли ҳукумат фойдаланувчиларининг ягона идентификация тизими каби платформалар орқали журналистлар ва фуқаролар учун очик маълумотлар тақдим этилмоқда.

2024 йилга кўра Ўзбекистонда 2 000 дан ортиқ рўйхатдан ўтган ОАВлар мавжуд бўлиб, уларнинг 60% мустақил медиадир. Интернет-платформалар (YouTube, Telegram) орқали фаолият юритган янги форматдаги медиалар сони кескин ўсди. Иқтисодиёт, таълим каби соҳаларга оид махсус нашрлар ҳам ривожланмоқда. Журналистлар учун халқаро ҳамкорликда ўқиш ва малака ошириш дастурлари ишлаб чиқилди. Investigative journalism (тарқиқотчи журналистика) алоҳида ривожланиб бормоқда.

Юқорида қайд этилган ютуқларга қарамасдан, Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситалари фаолиятида бир қатор жиддий муаммолар ва тўсиқлар мавжуд. Улар нафақат сўз эркинлиги ва ахборотга етишиш имкониятларини чеклайди, балки умумий медиа муҳитининг ҳолислигини шубҳа остига қўяди. Ўзбекистонда ОАВ тарқатилишида кучли назорат тизимининг давлат ёки йирик ташкилотлар таъсирига тушиб қолиши, жамоатчилик манфаатларини ҳимоя қилиш, фактларни ҳолис етказишда маълум бир тўсиқлар қўйилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Баъзи ҳолларда ахборотни яшириш, танқидни йўққа чиқариш ва ОАВлар фаолиятини чеклаш бўйича қонунларда ноаниқ ҳолатлар ҳам кузатилади.

Афсуски, айрим ҳолларда давлат идоралари ва йирик хусусий манфаатлар ОАВлар билан ноқонуний алоқаларга киришган ҳолатлар кузатилади. Масалан, маълум давлат ташкилотлари танқидга учрамаслик учун нашрларга бевосита ёки билвосита пул тўлаш орқали "лойиҳавий" мақолалар буюртма қилиши мумкин. Бу ҳолат журналистиканинг ҳолислиги ва жамият олдидаги масъулиятини жиддий равишда камайтиради. Халқаро тармоқлардаги сайтларга реклама тарқатиш жараёнида, жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқилмаган ва ошкоравий бўлар-бўлмас нарсалар жойланади. Ҳаттоки, молиявий шаффофлик яшириб кўрсатилиши, бюджет маблағларининг самарасиз сарфланиши, коррупцион кўринишларни юзага келтиради. Кўплаб ОАВлар ҳали ҳам давлат ёрдамига қарам. Мустақил нашрлар эса ўзини-ўзи таъминлаш учун реклама, спонсорлик ва грант тизимларига таянишига тўғри келади. Аммо бозор шароитида иқтисодий босимлар ва молиявий манбаларнинг етишмаслиги журналистик тадқиқот ва танқидий материалларга салбий таъсир қилади. Бу ҳолат баъзи таҳлилчилар томонидан ҳам коррупцияни яшириш учун қулай шароит сифатида баҳоланади. Журналистика таълим тизимида замонавий медиа-маданият, медиахафсизлик ва ахборотни танлаш компетенцияларига етарли

этибор қаратилмаган ҳолатлар кузатилади. Ўз навбатида ОАВ тизимида кадрлар етишмаслиги ва қўнимсизлигига сабаб бўлмоқда.

Ўз навбатида Ўзбекистон медиа маконида сунъий интеллект технологияларининг таъсири: имконият ва хатарлар ҳақида сўз юритадиги бўлсак, сўнгги йилларда сунъий интеллект (СИ) технологиялари дунё медиа соҳасига катта таъсир ўтказётган бўлса, Ўзбекистонда ҳам бу тенденция ўз таъсирини ўтказмоқда. Умумий тарзда айтадиган бўлсак, янгиланган медиа муҳиtida ахборот тарқатиш, таҳлил қилиш, аудиторияни бошқариш, ва контент яратиш жараёнлари борасида СИнинг ўрни ортиб бормоқда.

Америкалик Гарри Триандиснинг шарҳида баён этилган ғоялар 1990 йил 25 декабрда Nyu-York Taums газетасининг 41-бетида ҳам нашр этилган. Замонавий илм-фанда бундай ҳаракатлар "демократик фундаментализм" деб номлана бошлади[8; 69-74].

Агар сунъий интеллект ҳақидаги гапларимизни давом эттирадиган бўлсак, маълумотларга кўра, ChatGPT (Chat generative pre-trained transformer) Американинг OpenAI компанияси томонидан яратилган сунъий интеллектга асосланган чатботдир. Ушбу компаниянинг асосий мақсади инсон мияси қила оладиган ҳамма нарсани қила оладиган сунъий интеллектни яратишдир. Ўз навбатида, ChatGPT нинг муҳим хусусияти хотиранинг мавжудлиги. Бунинг ёрдамида у суҳбатнинг тафсилотларини эслаб қолади, ўрганади ва олдинги маълумотларга асосланиб суҳбатни давом эттиради.

ChatGPT турли саволларга жавоб бериши, дастурчиларга код ёзишда ёрдам бериши ва талабалар учун курс ишларини ёзиши мумкин. Бу бот ҳатто шеър ва иншо ёзиши мумкин. Шу сабабли, жамиятда ушбу технология копирайтерлар, журналистлар, мактаб ўқитувчилари ва бошқа одамларни ишдан бўшатиши мумкин деган хавотирлар мавжуд. Ўқитувчилар, айниқса, ChatGPT нинг иншоларни "ёзиш" қобилиятидан хавотирда. Мисол учун, АҚШдаги талабалар аллақачон ботлар томонидан "ёзилган" иншоларни топширишни бошладилар ва уларни ўзларининг ижоди сифатида тақдим этишди[9; (2023) 441-444].

Аммо сунъий интеллектнинг энг катта муаммоларидан бири айнан шу: ҳақиқий ижодий истеъдоднинг етишмаслиги. Оддий қилиб айтганда, ChatGPT чатботи ҳали янги ғояларни ишлаб чиқишга қодир эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсониятнинг ўзаро боғлиқлиги ўсиб бораётганидан хавотирда ва матн ёки тасвирларни яратишга қодир бўлган сунъий интеллект инсоният учун катта хавф туғдириши ва ҳукуматлар ва компаниялар ундан фойдаланишда эҳтиёткор бўлишлари кераклиги ҳақида огоҳлантирмоқда[10; (2023) 69-74].

Медиа соҳасида тўғридан-тўғри халқаро корпорациялар кам ва улар дунёда ахборот тарқатиш жараёнига сезиларли таъсир кўрсата олмайди. CNN ва BBC, Euronews ва TV-5, Associated Press и France Press, Reuters ва ИТАР-ТАСС, Voice of America ва Deutsche Welle каби оммавий ахборот воситаларини номлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ахборот манбалари АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Россиядан келади ва улар нафақат юқори тезликда ва катта ҳажмда, балки турли тилларда ҳам ахборот тарқатади. Масалан, BBC нинг ўзбек тилидаги веб-сайти, “Америка Овози” радиосининг ўзбекча бўлими бор. Уларнинг Ўзбекистон ҳақида тарқатаётган материалларига бефарқ қараб бўлмайди[11; <http://m.xabar.uz>].

Сунъий интеллект технологиялари Ўзбекистон медиа маконида улкан имкониятларни очиб бермоқда. Лекин улардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун ҳуқуқий база, журналистик этика, ахборот саводхонлиги ва жамоатчилик назорати кучайтирилиши лозим. Дарҳақиқат, интернет тармоқлари ва турли соҳалардаги янгиликлар, телевидение, радио, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари ҳозирда шахсни ижтимоийлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Сунъий интеллект ва нейрон тармоқлар замонавий дунёдаги енг муҳим ва фаол воситалардан биридир. Улар ҳаётимизни том маънода ҳар томонлама ўзгартириши мумкин, аммо улар билан боғлиқ хавфнинг катта қисми ўз вақтида ва тегишли назорат ва ахлоқий меъёрлар орқали ҳал қилиниши керак.

CONCLUSION/ ЗАКЛЮЧЕНИЕ/ХУЛОСА

Ахборотларни олиш, сақлаш, тизимлаш, тарқатиш билан боғлиқ техник ускуналар кўпайиши, такомиллашуви, бозор муносабатларининг чуқур илдиз отиб бориши радио, телевидение ва матбуотнинг функциялари камайиши ҳамда енгиллашувига олиб келмайди; аксинча, уларнинг юқори даражада фаолият кўрсатишини тақозо қилади. Ҳар қандай шароитда ҳам оммавий ахборот воситалари фаолиятининг жумладан, маданият, маънавият соҳалари билан боғлиқлиги кучайиб боради.

Маълумки, қурилажак етук, такомиллашган жамият, кенг маънода зиддиятлар кесимида ривожланишга эришади. Жамият ҳаётини ОАВ тасаввур қийин бўлиб турган бир шароитда жамият билан мутаносиб равишда тараққий эттириш талабини юклайди. Айниқса, бундай жамият қуриш жараёнига бутун аҳолини жалб қилиш, барча ҳудудларда юксак технология асосида, замонавий талабларга мос моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни, истеъмолни йўлга қўйиш радио, телевидение, матбуотнинг алмаштириб бўлмайдиган, ўзига хос мавқеини белгилайди.

Хулоса шуки, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ёки ташкилотлар Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларни ёйишга ёрдам берса, ўзбеклар томонидан яхши қабул қилинади. Бунга дунёнинг кўплаб мамлакатларида узок йиллардан буён фаолият юритиб келаётган Конрад Аденауер ёки Фридрих Эберт фондларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ахборотдан фойдаланиш маданияти ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо бўлмайди; бундай маданият бир қатор омилларга боғлиқ. Биринчидан, ахборот истеъмолчилари юқори даражадаги шахсий маданиятга ега бўлиши керак. Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбалардан келаётган маълумотларни шифрлаш ва унинг муаллифларининг мақсадларини тушуниш керак. Учинчидан, кераксиз маълумотларни тезда унутиш керак, шу билан бирга профессионал ўсишга, шахсий дунёқарашни ривожлантиришга ва ҳоказоларга ёрдам берадиган маълумотларни идрок этиш керак.

REFERENCES/ СПИСОК ИСТОЧНИКОВ/ ФОЙДАЛАНИЛГАН

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ОАВ ходимларига табриги 2022-йил 27-июн. “Халқ сўзи” газетаси, 2022-йил, 28-июн, 132 (8156)
2. Калмыков А.А., Коханова Л.А. Интернет-журналистика. М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2000. – С. 199.
3. Маршалл Маклюэн. Пресса: управление посредством утечки информации = Press: Government by Newsleak // Отечественные записки : журнал / пер. Руслана Хестанова. – 2003. – № 4. – С.54.
4. 4, [Хабермас Юрген](#). Будущее человеческой природы. Будущее человеческой природы Изд-во Весь Мир – Москва: 2002. С.27
5. 5. Ноам Хомский. Государство будущего Open Media Series SEVEN STORIES PRESS New York/ Перевод Алекс Керви Издание на русском языке, перевод, оформление. ООО «Альпина нон-фикшн», 2012. – 254 с.
6. Thomson R. W. The Armenian Adaptation of the Ecclesiastical History of Socrates Scholasticus. Translation of the Armenian with comparative study of the original and revised versions. Leuven, 2001 (Hebrew University Armenian Texts and Studies; 3).
7. Manuel Castells. Another Economy is Possible /John Wiley&Sons Limited, – Madrid. 2019 – 240 p

8. Muratova N. Fake news: mediada dezinformatsiya [Matn]: qo'llanma / N. Muratova, N. Toshpulatova, G. Alimova. – Tashkent: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2020. –104 b
9. Шарипов Д. Янги дунё тартиботида тинчлик ва тамаддуний (цивилизацион) ёндашув таҳлили (С.П.Хантингтоннинг “Тамаддунлар тўқнашуви” концепциясининг таҳлили асосида)// “Маънавий мерос ва III Ренессанс асосини яратиш масалалари: изланишлар, тадқиқотлар, истиқболлар” Халқаро илмий конференция тўплами “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази нашриёти – 2023. 441-444 бет.
10. Экономическое обозрение/ январь. 1998. – С.69-74.
11. G‘ulom MIRZO. Sun'iy intellekt – inson tabiiy idrokining mahsuli (Qarang: <https://daryo.uz/k/2023/02/08>)
12. <http://m.xabar.uz>